

Ислом тарихидаги энг таъсирли хутба



11:30 / 09.06.2021 2917

Хунайн ғазотида тушган ўлжаларни тақсимлаш ҳақида Ибн Исҳоқ Абу Саъид Худрий розияллоху анҳудан қилган ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўша ўлжалардан қурайшга ва араб қабилаларига улуш бериб, ансорларга ундан насиба тегмаганида, ансорларнинг кўнгилларида норозилик кайфияти туғилиб, бу масалада гап-сўз кўпайди. Ҳатто баъзилар «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз қавмларига етишдилар», дейишди.

Саъд ибн Убода розияллоху анҳу Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мана бу ансорлар жамоаси қўлга киритган ўлжани тақсимлашдаги тутган йўлингиз, қавмингизга бўлиб берганингиз, араб қабилаларига кўп мол бериб, ансорларга ундан ҳеч нарса тегмагани учун сизга нисбатан дилларида норозилик кайфиятини ҳис қилдилар», деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ўзинг бу масалада нима дейсан, эй Саъд?», дедилар.

Саҳобий: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳам қавминнинг бир вакилиман», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ундоқ бўлса, қавмингни мана шу майдонга тўпла!», дедилар.

Саъд розияллоҳу анҳу чиқиб, ансорларни майдонга йиғди, баъзи муҳожирлар ҳам келишди, уларга киришга изн берилди, қолган муҳожирларга изн берилмади. Ансорлар тўпланишгач, Саъд розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, ансорлар сиз учун тўпланишди», дедилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига чиқдилар, Аллоҳга ҳамду сано айтгач: «Эй ансорлар жамоаси, сизлардан менга етиб келган гап, қандай гап? Менга нисбатан кўнглингизда оғриқ туйдингизми? Олдингизга келганимда залолатда эдингиз, Аллоҳ мен сабабли сизларни ҳидоят қилмадими?!

Фақир эдингиз, Аллоҳ мен сабабли сизларни бой қилмадими?!

Ўзаро душман эдингиз, Аллоҳ мен сабабли қалбларингиз орасини улфат қилмадими?!», дедилар.

Улар: «Ҳа, шундай, Аллоҳ ва Расули марҳаматли ва афзалдир» дейишди. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга жавоб бермайсизларми, эй ансорлар жамоаси?» дедилар.

Улар: «Нима деб жавоб берамиз, эй Аллоҳнинг Расули? Барча яхшилик ва марҳамат Аллоҳ ва Расули томонидан бўлди» дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, агар хоҳласангиз «бизнинг олдимизга ёлғончи қилинган ҳолда келдингиз, биз сизни тасдиқладик, ёрдамсиз ҳолда келдингиз, биз сизга ёрдам бердик, бошпанасиз ҳолда келдингиз, биз сизга бошпана бердик, фақир ҳолда келдингиз, сизга мол бериб бой қилдик» десангиз, рост гапирган бўласизлар ва сизларни ҳеч ким инкор этмайди.

Эй ансорлар жамоаси, мен одамларни Исломга кирсинлар, дея сийлаган дунёнинг арзимас матоҳини деб кўнглингиз оғридими?! Сизларга Исломингизни қолдирдим.

Эй ансорлар жамоаси, одамлар қўй ва туя билан кетаётганларида сизлар уйингизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қайтишга рози бўлмайсизларми? Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳижрат бўлмаганида ансорларнинг бир вакили бўлардим. Одамлар бир водийга юрсалар, ансорлар бошқа водийга юрсалар, ансорларнинг водийсига юрган бўлардим. Сизлар мендан сўнг машаққатга дуч келасизлар, мен билан ҳавзим бўйида кўришгунингизча сабр қилинглари. Эй Аллоҳ, ансорларни, ансорларнинг фарзандларини, ансорларнинг

фарзандларининг фарзандларини раҳматингга олгин!» дедилар.

Одамлар соқоллари ҳўл бўлиб кетгунча йиғлашди ва «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга улуш, насиба бўлишларига рози бўлдик» дейишди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетдилар, одамлар ҳам тарқалишди».

Ушбу ривоят орқали Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нақадар меҳрибон, мулойим, одамларнинг кўнглини кўтарувчи, уларга тасалли берувчи зот эканликларининг гувоҳи бўламиз.

Ансорлар уйларига туя, қўй, тилла билан қайтишмади, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қайтишди.

Ансорлар дунё матосини олишмади, балки ўзлари, фарзандлари ва набиралари ҳаққига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини олишди.

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади